



ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБАЙЖОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 август куни рафиқаси билан бирга давлат ташрифи билан Боку шаҳрига келди.



Ҳайдар Алиев номидаги аэропортда давлатимиз раҳбарини Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Якуб Аюбов ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон — тили, анъана ва урф-одатлари бир-бирига жуда ўхшаш дўст мамлакатлар. Бу дўстликнинг илдизлари эса узоқ тарихдан қувват олади.

“Авесто” китоби икки элнинг муштарак ёдгорлиги саналади. Ўзбек ва озарнинг байрами — Наврўзи бир. Халқ озғани ижоднинг нодир дурдоналари — “Гурўгли”, “Ошиқ Ғариб”, “Дада Қўрқут” дostonлари эса азалий қардошликнинг илдизлари ҳақида янада теран сўзлайди. Уларнинг санъати, муסיқаси ҳамохан. Шу жиҳатдан ҳам бу икки халқ вакили сўзлашганда тилмочга ўрин қолмайди.

Кейинги йилларда бу азалий биродарлик, ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Икки мамлакат Президентларининг сиёсий иродаси, узоқни кўз-

лаб юритаётган сиёсати, ҳеч муболағасиз, дўстлик алоқаларига янги руҳ бағишлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Боку шаҳрига келгач, Озарбайжон халқининг умумимиллий етакчиси Ҳайдар Алиев мангу кўним топган Фахр хиёбонига ташриф буюрди.

Ҳайдар Алиевнинг мустақил Озарбайжонни барпо этиш ва мустаҳкамлаш йўлидаги хизматлари беқиёс. Мамлакатнинг жадал ривожланиш даври ва халқаро майдондаги нуфузининг юксалиши айнан унинг исми билан боғлиқ.

Қардош ўзбек халқи билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга доимо алоҳида эътибор қаратган Ҳайдар Алиевни юртимизда яхши билишади. Ўзбекистонда унинг юз йиллик юбилеи кенг нишонланди. Шу муносабат билан почта маркалари босилган, турли маданий-маърифий ва илмий тадбирлар ўтказилган эди.

Тошкентда Озарбайжон халқининг умумимиллий етакчиси номидаги кўча, унга бағишланган хиёбон ва ёдгорлик очилган.

Шавкат Мирзиёев буюк давлат ва сиёсат арбоби Ҳайдар Алиев қабрига гул қўйиб, хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Боку шаҳридаги Шахидлар хиёбонига борди.

Озарбайжон пойтахтининг қоқ марказида жойлашган ушбу ёдгорлик мажмуасида мамлакат озодлиги ва худудий яхлитлиги йўлида қўрбон бўлган юрт қахрамонлари дафн этилган.

Ўзбекистон етакчиси ёдгорликка гулчамбар қўйиб, Озарбайжон ватанпарварлари хотирасига эҳтиром кўрсатди.

“Зуғулба” қароргоҳида давлат ташрифи билан Озарбайжон Республикасида бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президентини расман кутиб олишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёев ва рафиқасини Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ва рафиқаси самимий қарши олди.

Қароргоҳ майдонида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ҳарбий оркестр ижросида икки давлат мадҳиялари янгради.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев тор доирада учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Озарбайжон Президентига ташриф билан келиш таклифи ҳамда Ўзбекистон делегациясига кўрсатилаётган самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирди.

Етакчилар Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Парламентлар, ҳукуматлар, ҳудудлар, ташкилотлар, ҳукуматлар, ҳудудлар, таҳлилий доиралар ўртасидаги алоқалар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор суръатда ошиб бормоқда. Қўшма корхоналар сони 4 баробар кўпайди.

Озарбайжонда Ўзбекистон автомобилларини йиғиш, ипакчилик ва тўқимачилик кластерлари ташкил этилгани самарали ҳамкорликка мисол бўла олади.

Ташриф арафасида ўтказилган бизнес-форум натижасида янги кооперация лойиҳалари ва савдо шартномаларининг салмоқли тўплами шакллантирилди.

Ўзбекистон ва Озарбайжон етакчилари энергетика, машинасозлик, металлургия, шахарсозлик, қишлоқ хўжалиги, фойдали қазилмалар, тўқимачилик, ипакчилик, фармацевтика, электротехника ва бошқа тармоқларда саноат кооперациясини кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар.

Қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш мақсадида Ўзбекистон — Озарбайжон инвестиция компаниясининг самарали фаолиятини таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Урта коридор орқали юк ташишни кўпайтириш, логистика ва портлар инфратузилмасини биргаликда ривожлантириш зарурлиги таъкидланди.

Президентлар ҳудудлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш, янги кооперация лойиҳаларини биргаликда ишлаб чиқиш ва илгари суриш учун икки мамлакат ҳудудлари раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ташкил этиш муҳимлигини қайд этдилар.

Томонлар маданий-гуманитар алмашинувларни кенгайтириш, таълим ва фан соҳасида қўшма дастурларни амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, кибержиноятларга қарши курашиш борасида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий кун тартиби юзасидан фикр алмашдилар, кўп томонлама тузилмалар доирасида фаол мулоқотни ва ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Президенти Илҳом Алиевнинг музокаралари икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Ўзбекистон — Озарбайжон стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш ва кўп қиррали ҳамкорлиқни, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари дини бир, қадриятлари, анъаналари, тили ва маданияти ўхшаш бўлган халқларимиз ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда энг юксак даражага кўтарилганини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбари Озарбайжон халқини атоқли давлат арбоби, умумимиллий етакчи Ҳайдар Алиевнинг 100 йиллик юбилеи билан табриклади.

Президентлар куни кеча икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокида ўтган бизнес-форум яқунларини юқори баҳоладилар.

Савдо ва саноат кооперациясида жадал ўсиш кузатилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Яқин йилларда учинчи мамлакатлардан қиммат импорتنинг ўрнини миллий ишлаб чиқарувчиларнинг арзон ва сифатли маҳсулотлари билан босиш орқали товар айирбошлашни 1 миллиард долларга етказиш учун барча имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди.

Саноат кооперацияси хусусида сўз борар экан, Президентлар энергетика, металлургия, фойдали қазилмалар, машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, фармацевтика, агросаноат ва бошқа тармоқларда муҳим лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш бўйича қатъий келишувларга эришилганини олқишладилар. Бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун қўшма Инвестиция жағфармасининг маблағларини фаол ўзлаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш, хусусан, уларнинг саноат салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда янги кооперация лойиҳаларини илгари суриш учун худудий маъмуриятлар раҳбарларининг тўғридан-тўғри мулоқотини ва мунтазам учрашувларини йўлга қўйиш ғояси қўллаб-қувватланди.

Етакчилар транспорт ва транзит соҳасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш стратегик жиҳатдан муҳимлигини қайд этдилар.

Ўтган йилда Ўзбекистон юқларини Боку порти орқали ташиш ҳажми қарийб икки баробар ошди. Мамлакатимиз бундан буён ҳам Озарбайжоннинг замонавий транспорт тармоғидан фойдаланиб, юк ташишни кўпайтириш ниятида.

Шу маънода, Транскаспий йўлаги доирасида қўшма логистика компаниясини ташкил этиш ҳамда Боку шаҳри ва учинчи мамлакатлар портларида омборхона инфратузилмаси ва логистика марказларини барпо этиш чоралари муҳокама қилинди.

Маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор келишувларга эришилди, шу жумладан, Маданият ва кино кунлари, ижодий ва илмий зиёлилар, ёшлар ташиқлотларининг учрашувларини ўтказишга келишиб олинди.

▶ Давоми 2-бетда

ТАРАККИЁТ ЙЎЛИ

КИЧИКДАН ЎРТАГА, ЎРТАДАН КАТТАГА

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЧОҒИДА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ЙЎНАЛИШЛАР

Жорий йил 18 август куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг тадбиркорлар билан учинчи очик мулоқоти бўлиб ўтди. Давлат бошқарувининг турли даражаларида амалга оширилаётган бизнес билан мулоқот дунё бўйича кенг тарқалган бўлиб, иқтисодий сиёсати ва бизнес манфаатларини давлат ривожига манфаатлари билан уйғунлаштириш ҳолда оптимал тарзда олиб боришга ёрдам беради.

Мулоқот ривожини

Илк очик мулоқот давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан 2021 йил 20 августда ташкил этилган эди. Шундан буён мазкур формат яхши анъанага айланди ва ушбу сана мамлакатимизда Тадбиркорлар куни этиб белгиланди. Бу Ўзбекистонда шу каби биринчи тажриба бўлиб, бизнесга нисбатан олиб



борилаётган иқтисодий сиёсатни оптималлаштириш нуқтаи назаридан ўзининг юқори самарадорлигини кўрсатишга улгурди, кейинги йилларда тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги натижалар ҳам шуни кўрсатмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

БИЗ ВА ДУНЁ

ИККИ ҚАРДОШ МАМЛАКАТНИНГ ДЎСТЛИК ИЛДИЗЛАРИ УЗОҚ ТАРИХДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

Озарбайжон оммавий ахборот воситалари Бокуда бошланган олий даражадаги Ўзбекистон — Озарбайжон саммити ҳақида

Озарбайжон оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Озарбайжонга давлат ташрифини кенг ёритмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ВА ВЕНГРИЯ КОНСТИТУЦИЯЛАРИ

УЛАРДАГИ ЎЗАРО ЎХШАШ
ЖИҲАТЛАР НИМАТЛАРДА
НАМОЁН БЎЛАДИ?

Ўзбекистон ҳамда Венгрия ўртасида ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йилдан ошди. Шундан буён икки давлат очик мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида 60 дан ортиқ шартнома тузилган. Сўнгги йилларда ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

ИННОВАЦИЯ

ҲЕЧ БИР ЎЗГАРИШ БЕИЗ КЕТМАЙДИ

Ўзбекистон 2030 йилга қадар инновацион ривожланган 50 мамлакат қаторига киришни мақсад қилган. Бугун ушбу йўналишдаги ишлар, таълимда, илмда, ишлаб чиқаришда, умуман, барча соҳа ва йўналишларда илгор ғояларга эътибор қаратилаётгани ана шу мақсадга эришиш йўлидаги саъй-

ҳаракатлардир. Бинобарин, бунда энг тўғри йўл ва оқилона ечим тараққиётнинг муҳим мезони — илмни, инновацияни ҳар томонлама рағбатлантириб, ижтимоий ҳаётда инсон капитали юксак кадр топиши учун барча имкониятларни ишга солишдир.

▶ Давоми 4-бетда



ЎЗБЕКИСТОН — ОЗАРБАЙЖОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Бошланиши 1-бетда

Йиғилиш давомида ташқи сиёсий идоралар раҳбарлари, Ҳукуматлараро комиссия ҳамраислари, транспорт ва энергетика, қишлоқ хўжалиги ва маданият вазирларининг музокаралар кун тартиби юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Яқунда давлат раҳбарлари қўшма "йўл харита"ларини тайёрлаш ва эришилган келишувларни самарали амалга ошириш механизмларини таъсис этишга топшириқ бердилар.

Олий даражадаги музокаралар яқунлаб, икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиев Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида Олий давлатлараро кенгаш ташкил этиш тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Бундан ташқари, ташриф доирасида давлатлар, ҳукуматлар ва идоралар даражасида 15 та ҳужжат қабул қилинди.

2023-2024 йилларда ҳар томонлама стратегик шериклики чуқурлаштириш бўйича "йўл харитаси", энергетика соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисида, ёшларга оид сиёсат ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, Медиа соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "йўл харитаси" шулар жумласидан.

Бундан ташқари, Фуқароларнинг визасиз қатновлари тўғрисидаги битимга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, "E-remit" рўқсатнома бланкларини электрон алоқаси ахборот тизимини жорий қилиш, оила ва болаларни муҳофаза қилиш, озиқ-овқат хавфсизлиги борасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишувларга эришилди ҳамда Хавфсизлик кенгашлиари қотибиятлари ўртасидаги, киберхавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатларнинг бир қатор истикболли йўналишларида амалий ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

МУШТАРАК МАҚСАДЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ВА ВЕНГРИЯ КОНСТИТУЦИЯЛАРИ

УЛАРДАГИ ЎЗАРО ЎХШАШ ЖИҲАТЛАР НИМАЛАРДА НАМОЁН БЎЛАДИ?

Жаҳонгир ШИРИНОВ, Олий Мажлиснинг Венгрия Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи раҳбари

Бошланиши 1-бетда



билан ҳимояланиши қайд этилган. Шунингдек, ота-оналар фарзандларида, вояга етган фарзандлар эса кўмакка муҳтож ота-оналарига ғамхўрлик қилиши белгиланган.

Ўзбекистон Конституциясида ҳам оила жамият ва давлат муҳозазасида экани, давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун шарт-шароит яратиши, шунингдек, ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқиши, уларнинг ҳар томонлама камол топиши хусусида қайғуриши, ўз навбатида, вояга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ҳам ўз ота-онасига ғамхўрлик қилишга мажбурлиги белгиланган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида ҳам ҳар икки мамлакат Конституциясида ўзаро ўхшаш нормалар кўп. Масалан, Венгрия Конституциясида жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахс қисқа муддат ичиди судга олиб борилиши ёки озод этилиши лозимлиги кўрсатилган. Бизнинг Конституцияда ҳам ҳибса олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига қўра, йўл қўйилиши, шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган.

Мамлакатларимиз Конституцияларида бундай қоидалар бўлиши "Халқ беас корпус" институти ривожлан-

тиради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни ноқонуний ҳаракатлардан тийиб туришга, шахсинг асосиз ҳибса олиниши ҳолатларини бартараф этишга, шу орқали инсон озодлигини чеклаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Билим инсонни комилликка қўтариши билан бирга у яшаётган жамият ва мамлакатни ҳам юксалтиради. Шу боис, ҳар икки мамлакат Конституциясида давлат фуқароларнинг таълимга оид ҳуқуқларини амалга ошириши ўз зиммасига олиши мустаҳкамланган. Масалан, Венгрия Конституциясида ҳар бир венгриялик таълим олиш ҳуқуқига эгаллиги, давлат умумий таълимни таъминлаши, бошланғич ва ўрта таълимга эркин кириш имконияти, фуқароларнинг олий таълим олишига шароит яратиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Конституциясида ҳам ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга экани, давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишини кафолатлаши қайд этилган. Бундан ташқари, Конституциямизда фуқаролар давлат таълим ташкилотларида танлов асосида давлат ҳисобидан олий маълумот олишга ҳақли экани мустаҳкамланган.

Ўзбекистон ва Венгрия Конституцияларида миллий иқтисодиётда ҳақиқий бозор муносабатларини жорий этиш, шу асосда мамлакатни тараққий эттириш учун тадбиркорларга барча шароитларни яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлишини кафолатлайдиган нормалар киритилган.

Мисол учун, Венгрия Конституциясида Венгрия иқтисодиёти тадбиркорлик эркинлигига асосланиши, мамлакат адолатли рақобат учун шароит яратиши, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиши кўрсатилган. Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон иқтисодиёти негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, давлат бозор муносабатларини ривожлантириши ва

ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиши, истеъмолчилар ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлаши белгиланган.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда валюта бозори эркинлаштирилди, давлат активлари ва банкларни, sanoat ва инфратузилма объектларини хусусийлаштириш дастури бошланди, солиқ тизими ислоҳ қилинди. Мана шундай ислохотлар мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ҳамкорлик ҳам янада рағбатлантирмоқда.

Албатта, конституцияларимизнинг ўхшаш жиҳатлари яна кўп санаб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, Венгрия Конституциясида эътиборга молик ўзига хос нормалар ҳам мавжуд. Масалан, унда ҳукумат аъзолари лавозимга киришишдан олдин халқ вакиллари олдида қасамёд қабул қилиши назарда тутилган. Парламент қонун юзасидан яқини овоз беришдан олдин унинг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш учун мамлакат Конституциявий судига юбориши мумкинлиги кўрсатилган. Бу эса қонунни қабул қилиб ижрога қаратилган сўнг эмас, балки эртароқ, яъни қонунни имзолашдан ва эълон қилишдан олдинроқ унинг Конституцияга мослигини яна бир бор аниқлаш имконини беради. Қолаверса, Конституциявий суднинг "норма назорати" борасидаги ролини ҳам оширади.

Бизнинг Конституциямиздаги айрим демократик нормаларни ҳар қандай хорижий мамлакатлар учун намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Масалан, Венгрия Конституциясида қонунчилик ташаббуси Президентга, ҳукуматга, парламент комиссияларига ва парламент аъзоларига тааллуқли. Янги таҳрирдаги Конституциямизда эса нафақат давлат органлари, балки сайлов ҳуқуқига эга ўз мингдан кам бўлмаган оддий фуқаролар томонидан ҳам қонунчилик тақлифларини қонунчилик ташаббуси тартибидида парламентга киритиш ҳуқуқи берилган. Бундай институтининг жорий қилиниши халқ қонун ижодкорлигига тўғридан-тўғри иштирок этишига шароит яратяди.

Конституциявий ислохотлар борасида таъриба алмашишда парламентлараро ҳамкорликнинг ўрни беқиёс. Бунда ҳар икки мамлакатнинг парламентларида ташкил этилган дўстлик гуруҳлари томонидан ўзаро таъриба алмашиш асосида парламент ва қонун ижодкорлиги амалиёти такомиллаштириб борилади.

БИЗ ВА ДУНЁ

ИККИ ҚАРДОШ МАМЛАКАТНИНГ ДЎСТЛИК ИЛДИЗЛАРИ УЗОҚ ТАРИХДАН ҚУВВАТ ОЛАДИ

Озарбайжон оммавий ахборот воситалари Боқуда бошланган олий даражадаги Ўзбекистон — Озарбайжон саммити ҳақида

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, "АЗЕРТАДЖ" Озарбайжон давлат ахборот агентлиги, "Trend.az" халқаро ахборот агентлиги, "turkustan.az", "ru.oxu.az", "report.az", "hakim.az", "caliber.az" сингари нуфузли ахборот-таҳлилий порталлар ва электрон ҳамда босма ОАВда Ўзбекистон раҳбарининг давлат ташрифига бағишланган туркум мақолалар эълон қилиняпти.

Шу билан бирга, ташриф арафасида Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатларига оид батафсил таҳлилий мақола ва шарҳлар чоп этилди.

"Report.az" порталида берилган шарҳда Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан муносабатларини ривожлантириш Озарбайжон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутаётгани ва бу ҳамкорлик кейинги йилларда жадал кенгайиб бораётгани таъкидланган.

"Мамлакатларимиз ўртасида 1995 йил 2 октябрда дипломатик муносабатлар ўрнатилган бўлса-да, тарихи, дини ва маданияти, илдилари муштарақ бўлган озар ва ўзбек халқлари ўртасида қадимдан анъанавий дўстлик ва қардошлиқ ришталари мавжуд. Ўзбек халқининг забардаст муфаккири Алишер Навоий ўзининг туркий тилдаги "Ҳамса"сини буюк Низомий Ганжавий "Ҳамса"сидан илҳомланиб ёзгани бежиз эмас", дейилади мақолада.

Мазкур материалда Озарбайжон ва Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, тарихий дўстлик ва қардошлиқ муносабатлари янада ривожланиб, кўп йиллик синовлардан сўнг бугунги даражага кўтарилгани қайд этилган.

"2021 йил 31 март куни Туркий давлатлар ташкилотининг видеоконференция форматидида бўлиб ўтган норасмий саммитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжоннинг қайтарилиши ва тарихий адолат тиклангани билан таърикланди. Уша йлнинг ноябрь ойида Истанбулда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилотининг VIII саммитида Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон маблагги хисобидан Фузулийда

Ўзбек ипақлари, атласлари озарбайжонлик келинлар учун энг чиройли либос, шунингдек, кундалик ҳаётнинг беазаги айланди. Озарбайжон халқининг миллий қўшиқлари ўзбек тўлариди севиб ижро этилмоқда. Маданий меросимизни ҳимоя қилиш орқали биз дўстлигимизни таъжовулардан ҳимоя қилдик", деб ёзади мақола муаллифи Аида Эйвазли Гейторк.

Муаллиф, шунингдек, Ўзбекистон ўзининг қадимий бинолари, бизгача етиб келган меъморий ойибалар билан туркий дунё маданиятининг бешиги бўлганини таъкидлаган.

"2022 йил 11 ноябрь куни жаҳон цивилизацияси маркази, буюк ипақ йўли чорраҳасида жойлашган Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилотининг IX саммити бўлиб ўтди. — дейилади мақолада. — Ҳатто 3500 йилдан ортиқ тарихга эга қадим Самарқанднинг "Туркий цивилизация пойтахти" деб аталиши ҳам тарихнинг кинояси эмас, балки зарурат ва қўлдан бой берилган имкониятларнинг ўрнини босишдир. Чунки Самарқанд азалдан тараққиёт, маданият, илм-фан, маърифат, дўстлик маркази бўлиб келган. Ҳозир эса ушбу қадимий кентда — Теурийлар, Шайбонийлар, Нақшбандийлар руҳи синган заминда туркий дунёнинг кўплаб масалалари муҳокама қилинмоқда, янги дунё тузумида янги қарорлар қабул қилиниши тарихни ортага қайтармоқда".

Муаллифнинг қайд этишича, халқаро ташкилотлар сони, инвестициялар ҳажми, аҳоли сонининг ўсиш суръати бўйича Ўзбекистон ҳозирда етакчи ўрнини эгаллаб турибди. У шунингдек, Ўзбекистон минтақада мувозанатни ўрнатиб, анъаналарни сақлаб келаётганини таъкидлаган.

"Шу маънода, Ўзбекистон етакчиси Шавкат Мирзиёевнинг ислохотчи дейиш ўринли, — дейди Аида Эйвазли Гейторк. — Президент Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилатган ислохотлар мамлакат тараққиёти суръатларини жадал оширмоқда. Бинобарин, у турк дунёси интеграцияси

"Муштарақ илди ва узоқ тарихга асосланган Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари бутун янги давр воқелигига мос равишда жадал ривожланмоқда. Давлатларимиз ўртасида бугунга қадар имзоланган 160 дан ортиқ ҳужжат, жумладан, Стратегик шериклики чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш декларацияси мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди.

мақтаб қурилишини айтган эди. Ушбу йўналишдаги ишлар аллақачон яқунланган", дея келтирилади "report.az"да. Бундан ташқари, шарҳда Президентлар Илҳом Алиев ва Шавкат Мирзиёев ўртасидаги ишончи ва яқин дўстона муносабатлар Озарбайжон — Ўзбекистон алоқаларини юксак даражага кўтаришда ҳал қилувчи рол уйнаши алоҳида ургуланган. Икки Президент ҳам давлат ва расмий ташрифлардан ташқари, турли халқаро тадбирлар доирасида тез-тез учрашиб туришлари бежиз эмас.

"Муштарақ илди ва узоқ тарихга асосланган Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари бугун янги давр воқелигига мос равишда жадал ривожланмоқда. Давлатларимиз ўртасида бугунга қадар имзоланган 160 дан ортиқ ҳужжат, жумладан, Стратегик шериклики чуқурлаштириш ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш декларацияси мустаҳкам ҳуқуқий асос яратди. Озарбайжон ва Ўзбекистон, шунингдек, Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ўртасидаги кундан кун мустаҳкамланиб бораётган алоқалар давлатларимиз ва халқларимиз, бутун туркий дунё тараққиётига салмоқли ҳисса қўшмоқда", дея яқунланади мақола.

Озарбайжоннинг оммабоп "turkustan.az" портали ҳам Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотидоирасидаги ҳамкорлиги ва мамлакатимиз раҳбарининг туркий дунёни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси ҳақидаги мақолани ўз муштарийлари эътиборига ҳавола этди.

"Бирдамлигимизни, меросимизни буюк файласуфлар, меъморлар, rassomlar, шоирлар асраб-авайлашди.

йўлида илк қадамни ташлаган Президент, у ўз номини тарихга ёзган етакчи, десак аздамаймиз. Шавкат Мирзиёев анъаналар асосида яшайдиган давлат раҳбари. У Соҳибқирон Амир Темур асос солган давлатга, ўзбек халқига ғоят муносиб хизмат қилмоқда. У Амир Темур йўли ва сиёсатини шараф билан давом эттириб, туркий дунёнинг бирлашувига, туркий давлатлар ташкилотининг диверсификациясига хизмат қилляпти".

"Раҳбарларнинг узоқни кўра билиши узоқ мақсадларга эришишга ёрдам беради. Етакчиларнинг умумий мақсадларни танлаши эса халқлар ва давлатларнинг параллел ривожланишининг калитидир. Бу содир бўлганда халқаро ташкилотларга интеграциялашув жараёни соддалашади. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида давом этаётган параллеллик туркий давлатларнинг ташкил этилишида ҳам мувозанатни сақлашга хизмат қилмоқда. Туркий давлатларнинг қадриятлари ва маънавий алоқаларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришда Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Илҳом Алиевнинг хизматлари жуда катта", деб ёзади муаллиф.

Ушбу давлат оммавий ахборот воситалари, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 22 август куни Боқуда келиши, мамлакатимиз делегациясининг Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Хайдар Алиев мангу кўним толган жой ҳамда Шаҳидлар хиёбонига ташрифи, олий даражадаги музокаралар бошлангани ҳақидаги янгиликларни тезкорлик билан ёритди.

"Дунё" АА Боку

ТАРАККИЁТ ЙЎЛИ

КИЧИКДАН ЎРТАГА, ЎРТАДАН КАТТАГА

ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЧОҒИДА БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА БЕЛГИЛАНГАН ЙЎНАЛИШЛАР



Обид ҲАКИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази директори

Бошланиши 1-бетда

Биринчи мулоқот чоғида бизнес фаолиятига тўқсинлик қилаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган келгуси ишлар бўйича 7 та энг муҳим йўналиш белгилаб берилган эди.

Хусусан, биринчи йўналиш молиялаштириш масалалари, иккинчиси — солиқ тизимини такомиллаштириш ва бизнесга солиқ юкни камайтириш, учинчиси — ер бериш тартибини такомиллаштириш, тўртинчиси — зарур инфраструктурани ривожлантириш, бешинчиси — экспортчиларни қўллаб-қувватлашга тегишли бўлиб, олтинчиси — транспорт-логистика соҳаси билан боғлиқ, еттинчиси эса бизнес юриши тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилди.

Тадбиркорлар билан иккинчи мулоқот 2022 йил 22 август кунини бўлиб ўтди. Ушбу мулоқот чоғида тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг бешта асосий йўналиши белгилаб берилди.


Биринчи йўналиш — корхоналарни микро бизнес, кичик бизнес, ўрта бизнес каби тоифаларга ажратиш орқали уларни қўллаб-қувватлаш бўйича алоҳида ёндашувларни жорий этиш. Иккинчи йўналиш — янада қулай молиялаштириш тизимини яратиш. Учинчи йўналиш — туман ва шаҳарлар шароитидан келиб чиқиб, бизнесни қўллаб-қувватлаш учун алоҳида ёндашувлар жорий этиш. Тўртинчи йўналиш — тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш. Бешинчи йўналиш — тадбиркорлар фаолиятини назорат қилиш ва уларни жавобгарликка тортиш.

Бир йил давомида бажарилган ишлар

Яқинда ўтказилган мулоқотда ўтган йилги мулоқотда белгиланган йўналишлар бўйича бир йил давомида амалга оширилган ишларга баҳо берилди. Хусусан, ўтган йил илгари сурилган тақлифлар асосида бизнес субъектлари микро, кичик, ўрта ва йирик тоифаларга ажратилиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашув қўлланила бошлади. Худди шундай, туман ва шаҳарлар ҳам 5 тоифага бўлиниб, 60 туманда алоҳида солиқ, кредит ва молиявий режими жорий этилди, бунинг натижасида ўтган олти ойда ушбу туманлардаги тадбиркорлар қарийб 1 триллион сўмлик имтиёزلардан фойдаланди. Бунинг ҳисобига 20 туманда тадбиркорлар даромадлари ўтган йилга нисбатан 1,5-2 баробарга ошди.

Қўшилган қиймат солиғини қайтариш мuddати қисқартрилди. Бунинг натижасида 2022 йил 1 августдан 2023 йил 1 августга қадар 6 минг корхонага 20 триллион сўм қайтариб берилди. 2 мингдан зиёд экспортчи тадбиркорнинг ҳисоб-рақамига экспортдан валюта тушумини кутмасдан 7 триллион сўм келиб тушди. Ушбу солиқ ставкасини 12 фоизга камайтириш ҳисобидан қўшилган қиймат занжирини иштирокчилари сони 26 мингга қўлайиб, уларнинг фаолияти "соя"дан чиқди. ҚҚС тўловчилар сони 184 мингга етди. Қасрақлиқ солиқ механизмлари қўлланилиши оқибатида вузудга келган солиқ қарздорлигини ҳисобдан чиқариш натижасида бизнес ихтиёрида 2 триллион сўм қолди.

Кредитлаш соҳасида айланмадаги товарлар, экспорт шартномалари, аккредитивлар ва келгуси тушумлардан ҳам гаров таъминоти сифатида фойдаланиш тизими яратилди. Ушбу имконият туфайли тадбиркорларга 1 миллиард доллар миқдорига кредит тақдим этилди. Микроолия ташкилотларини очиш тартиби энгиллаштирилгани туфайли мамлакатимизда банклар учун муқобил кредит бозори пайдо бўлди. Сўнгги бир йил давомида бундай ташкилотлар сони 1,5 баробар, улар томонидан ажратилган кредитлар ҳажми эса 3 баробар ошди. Йил давомида нобанк ташкилотлар томо-



Айни пайтда sanoat ипотекаси тизими ҳам йўлга қўйилиб, тадбиркорларга "тайёр бизнес" шаклида ишлаб чиқариш майдонлари қуриб берилди. Жумладан, ҳар бир вилоятда камида 3 тадан янги sanoat зонаси ташкил этилиб, уларда инвестиция мажбуриятлари бажарилгандан сўнг ер майдонларини хусусийлаштиришга руҳсат берилди.

нидан 3 триллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Божхона ҳудудиди қайта ишлаш тизими соддалаштирилгани туфайли, ушбу божхона режимида фойдаланувчи тадбиркорлар сони икки баробар орди, бунинг натижасида йил давомида ушбу имкониятдан фойдаланган ҳолда 455 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, 110 миллион долларлик қўшилган қиймат ажратилди.

Илгари янги тадбиркорлар учун "кириш қийин бўлган" 119 фаолият тури учун лицензия ва руҳсатномалар бекор қилинди ёки хабардор қилиш шаклига ўтказилди. Шу билан бирга, республика ҳудудида биргина юкларни автомобилда ташиш



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЎЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБАСИДА ўқиш учун МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

фаолияти бўйича лицензияларни бекор қилиш ҳисобидан юк ташиш ҳажми 1,5 баробар ошди. 2023 йилнинг олти ойи давомида текширувлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 40 фоизга — 104 мингдан 64 мингга камайган.

Тадбиркорлар билан аввалги мулоқотдан сўнг, ўтган бир йил давомида кичик тадбиркорлар сони яна 40 мингга қўлайиб, 490 мингга ташкил этди. Ўрта тадбиркорлар сони эса 2 мингга ошди ва 10 мингга етди. Йирик корхоналар сони йил давомида 400 тага ортиб, 1,5 минггача ташкил этмоқда.

Бизнесни қўллаб-қувватлашнинг белгиланган йўналишлари

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилда тадбиркорлар билан мулоқот чоғида сўзлаган нутқиди келгусида



бизнес ва тадбиркорлик ривожини қўллаб-қувватлашнинг бешта асосий йўналишини белгилаб берди.

Таъкидланганидек, кичик бизнесни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳар йили микро бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга 1 миллиард доллардан зиёд маблағ ажратилади. Йил бошида кичик бизнес тоифасига кимлар кириши аниқ белгилаб берилди. Бироқ кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг манзилли тизими ва бунинг учун зарур шароитларни яратиш ҳали тўлиқ шакллантирилгани йўқ. Шу сабабли, ушбу секторни қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит экотизим яратилади.

"Қишлоқ қурилиш банк" "Бизнесни ривожлантириш банки"га айлантирилиб, унинг ҳузурида ҳар бир ҳудудда жами 14 та кичик бизнес маркази ташкил этилади. Микро бизнесдан кичик бизнесга ўтиш истагида бўлган тадбиркорлар ҳар

кичик бизнес лойиҳаси йўлга қўйилиши билан ўндан тушган барча солиқлар икки йил ичида "Бизнесни ривожлантириш банки"га айланма маблағлар учун ўтказилади. Яъни банк тадбиркорнинг юқори даражали даромадидан манфаатдор бўладиган тизим яратилмоқда. Умуман олганда, мазкур тизим 150 минг кичик бизнес субъектининг оёқга туришига, 25 мингтаганининг ўрта тоифага ўтишига, 250 мингта янги доимий иш ўрни яратилишига хизмат қилади.

Ўрта бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ ташаббуслар

Ўрта бизнес иқтисодиётимизнинг муҳим бугини бўлишига қарамай, унинг жадал ўсиши учун шароитлар ҳали етарли эмас, чунки тижорат кредитлари бўйича кафилилик ёки компенсация фақат Тадбиркорлик жамғармаси томонидан тақдим этилади. Шу боис, кичик бизнесдан ўрта бизнесга ўтиш истагида бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам янги ёндашувлар йўлга қўйилиб, бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича мажбур жамғармаларнинг фаолияти ҳам, иш усуллари ҳам тубдан ўзгарди.

Тадбиркорлик жамғармаси хизматлар ва сервис соҳасидаги, "яшил" ва энергия самарадор лойиҳаларга молиявий ёрдам кўрсатиш учун, Саноатни ривожлантириш жамғармаси эса sanoat лойиҳаларига масъул бўлади. Ушбу жамғармалар бюджет маблағлари билан чекланмайди, балки мустакил инвестицияларни жалб қилиш ваколатига эга бўлади. Шу орқали келгуси йилда ўрта бизнес учун қўшимча 1 миллиард доллар маблағ жалб қилинади.

1 сентябрдан бошлаб янги ташкил этилаётган Саноатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан янги лойиҳаларни молиялаштириш учун хорижий валютада 5 фоиз, миллий валютада 10 фоиз ставкада 10 йил муддатга кредитлар ажратилади. Саноат корхоналарига 1 йил муддатга хорижий валютада 4 фоиз, миллий валютада 10 фоиз ставкада айланма маблағ тақдим этилади. Бунда олиб келинадиган асбоб-ускуна учун 15 фоизлик аванс тўловлари ҳам жамғарма томонидан кредит шаклида берилди.

Айни пайтда sanoat ипотекаси тизими ҳам йўлга қўйилиб, тадбиркорларга "тайёр бизнес" шаклида ишлаб чиқариш майдонлари қуриб берилди. Жумладан, ҳар бир вилоятда камида 3 тадан янги sanoat зонаси ташкил этилиб, уларда инвестиция мажбуриятлари бажарилгандан сўнг ер майдонларини хусусийлаштиришга руҳсат берилди.

Тадбиркорлик жамғармаси хизматлар соҳаси учун масъул бўлади ва унга ўрта бизнес корхоналарига хиссадор бўлиб кириш ваколати берилди. Бунинг учун жорий йилда жамғармага қўшимча 25 миллион доллар, келгуси йилда эса яна 100 мил-

лион доллар ажратилади. Шу билан бирга, жамғарма томонидан ўрта бизнес учун хорижий валютадаги кредитларга ҳам кафилилик берилди. Жамғарма туризм, савдо ва сервис соҳаларида "хизматлар ипотекаси" тизимини жорий қилади.

Ушбу иккита янги тизим 1 октябрдан тўлақонли ишга туширилади. Келгуси бир йилда ўрта бизнес учун sanoat соҳасида 2 мингта, хизматлар бўйича 10 мингта янги лойиҳа молиялаштирилади, бу эса қўшимча 1 миллиард долларлик хизматлар, 5 миллиард долларлик янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, 350 мингта янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Рақобатбардош маҳсулотлар билан янги бозорларга кириш

Ўтган йили "Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти" дастури йўлга қўйилди. Унинг доирасида 100 та етакчи экспортчи корхона танлаб олинди. Жорий йилда мазкур корхоналар экспортти 1,5 баробар ошиши кутилмоқда. Шу билан бирга, халқаро майдондаги вазият ҳисобига логистика харажатлари 3-4 баробар ошиб кетди. Шу боис, уларнинг логистика харажатларини компенсация қилишга қўшимча 100 миллион доллар йўналтирилди. Яна 25 миллион доллар маҳсулотларни хорижда сертификатлаш, халқаро стандартларни жорий этиш ва бу борада мутахассислар тайёрлаш учун ажратилади. Жорий йилда ушбу дастур давом эттирилиб, иштирокчи корхоналар сони 500 тага етказилди ва улар учун дастурдаги барча имтиёزلар сақлаб қолинади.

Экспортни кенгайтириш бўйича яна бир катта имконият — нуфузли хорижий брендларни мамлакатимизга жалб этиш ҳисобланади. Хусусан, йиллик бозори 100 миллиард доллардан ошадиган дунёнинг энг машхур 50 та бренди ҳамкорликда ишлашга катта қизиқиш билдирилмоқда ва маҳаллий корхоналаримизга 3 миллиард долларлик буюртма беришга тайёр.

Бу ишлаб чиқаришга халқаро стандартлар, экология ва сертификатлаш талабларини жорий этиш, мутахассисларимизни ўқитиш, ишчилар учун муносиб меҳнат шароитларини яратишга ёрдам беради. Шу муносабат билан машхур брендларнинг маҳсулотларини олиб кириш ва экспорт қилиш учун қулай божхона режими жорий этилади, йирик брендларни жалб қилган корхоналарга эса 500 миллион сўм миқдоридан грант ажратилади.



Экспортни кенгайтириш бўйича яна бир катта имконият — нуфузли хорижий брендларни мамлакатимизга жалб этиш ҳисобланади. Хусусан, йиллик бозори 100 миллиард доллардан ошадиган дунёнинг энг машхур 50 та бренди ҳамкорликда ишлашга катта қизиқиш билдирилмоқда ва маҳаллий корхоналаримизга 3 миллиард долларлик буюртма беришга тайёр.

Юқори даромадли корхоналар лойиҳалари

Бугунги кунга қадар халқаро консалтинг компаниялари жалб қилган ҳолда электротехника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, заргарлик, мебеласозлик, полимер, кимё ва озиқ-овқат sanoati каби йўналишларда 140 та тайёр лойиҳа ишлаб чиқилди. Уларнинг жами қиймати 10 миллиард долларга тенг бўлиб, 60 минг иш ўрни яратиш, йилгига 5 миллиард долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда 2,5 миллиард долларлик экспорт қилиш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар электрон платформаларга қўйилиб, тадбиркорларга очик ва ошкора шартлар асосида тақлиф этилмоқда.

Шу муносабат билан Президентимиз дастурда иштирок этиш истагини билдирган тадбиркорлар билан шартномалар тузишни тақлиф қилди. Дастурга кирган корхоналарга Саноатни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 10 йил муддатга паст фоизли кредитлар ажратилади.

Солиқ маъмуриятчилигини соддалаштириш

Ўтган етти йилда солиқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар, тадбиркорларга берилган имтиёз ва преференциялар туфайли уларнинг ихтиёрида 120 триллион сўмдан зиёд маблағ қолди. Ўтказилган сўровларда 62 фоиз тадбиркорлар солиқ соҳасидаги ислохотларни ижобий баҳолаган. Бироқ солиқ маъмуриятчилиги мураккаблигича қолиб, бизнесга аралашмиш ва тизимдаги коррупция ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Эндиликда солиқ хизмати тубдан ислох қилинади, солиқ маъмуриятчилиги эса соддалаштирилади.

Хусусан, қўшилган қиймат солиғи тўловчиларнинг аксарияти солиқларни қайтаришга солиқ узлиши коэффициентини қўллаш, яъни "tax-gap" тизими адолатсиз эканини билдирган. 1 октябрдан бошлаб қўшилган қиймат солиғини қайтаришда бу амалиёт бекор қилинади.

Тадбиркорларнинг очик-ошкора рейтинг жорий этилади

Бунда келгуси йилнинг 1 январидан бошлаб рейтингни юқори бўлган корхоналар барча турдаги солиқ текширувларидан озод қилинади, уларга қўшилган қиймат солиғининг ортинча қисми бир кун ичида қайтариб берилди ҳамда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси гувоҳномасини вақтинчалик тўхтатиб туриш амалиёти бекор бўлади.

Тадбиркорларнинг солиқ идоралари билан бўладиган барча низолари маъмурий суд ваколатига ўтказилади. Уларнинг тўғридан-тўғри судга шикоят қилишидаги ҳар қандай чекловлар бекор қилинади. Солиқ бўйича тадбиркорларга нисбатан давво кiritиши мuddати хозирги 5 йилдан 3 йилга қисқартрилади.

Хозирги кунда тадбиркорлар 140 дан ортиқ ҳисобот доирасида 8 мингта яқин қўрсаткичларни 16 идорага топширишга мажбур. Оқибатда 500 минг тадбиркор ҳар йили бу каби турли ҳисоботларни тайёрлаш учун 300 миллиард сўм маблағ сарфламоқда. Шу боис, 2024 йил 1 январдан бошлаб эскирган ҳисоботлар тўхтатилади, барча ҳисоботлар ягона электрон тизим орқали тақдим этилади ва уларнинг қоғоз шакли бекор қилинади.

Хулоса

Ўтган йилги очик мулоқот рақобатбардош кўра, бизнесни манзилли қўллаб-қувватлашга ўтиш унинг хусусийлари ва фаолиятнинг ҳудудий шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган бўлса, бир йил давомида бу йўналишдаги ишлар натижаси ушбу ёндашуving самарадорлигини тўлиқ тасдиқлади.

Шу билан бирга, жорий йил 18 августда бўлиб ўтган мулоқот чоғида муваффақиятли корхоналарнинг микродан кичик корхонага, кичикдан ўртага, ўртадан (жаҳон бозорини юқори рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи) йирик корхона шаклида ўсишини рағбатлантирадиган бизнесни ривожлантиришининг ягона кенг қамровли тизимини яратиш каби янада улкан ва истиқболли вазифалар белгиланди. Худудларда бизнеснинг барча турларини қўллаб-қувватлашнинг манзилли ва индивидуал экани энг рақобатбардош корхоналарнинг бундай эволюцияси ва муваффақиятли ривожланиши учун зарурий шарт ҳисобланади.

Бу эса Ўзбекистон иқтисодиёти етарлича юқори ўсиш суръатларини сақлаб туриши учун зарур, бусиз фуқароларнинг турмуш даражасини муносиб даражада оширишни таъминлаб бўлмайди. Шундай экан, Тадбиркорлар кунинда 44 тадбиркор орден ва медаллар, 126 нафарга эса "Фаол тадбиркор" кўрак нишон билан тақдирланиши асослидир.

ИННОВАЦИЯ

кераклиги аниқланади, хато ва камчиликлар устида ишланади. Шу маънода, мазкур рейтинглар бирор давлатнинг шунчаки у ёки бу соҳадаги ўрнини белгиловчи баҳо эмас, ислохотларда қайси йўналишларга аҳамият бериши лозимлиги, бунинг натижадор йўлларини излаб топиш зарурлигини белгилаб берувчи муҳим восита эканини айтиш жоиз.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ўз ҳисоботларида 20 га яқин давлатда инновацион ривожланиш тобора жадаллашаётганини эътироф этади. Швейцария, АҚШ, Швеция, Буюк Британия, Нидерландия, Финляндия, Гонконг, Сингапур, Тайвань, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Дания ва Ирландия шулар сирасига киради.

Индексда яхшиланиш одамлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатади?

2022 йил натижаларига кўра, Ўзбекистон Глобал инновацион индексда

Бошланиши 1-бетда

2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, sanoat қорхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш белгиланган.

Шунингдек, унда инновацион ҳудудга айлантирилаётган туманларда мавжуд муқобилларидан 50 фоизгача арзонлаштирилган ва сифатли, ҳаммаё нархига нисбатан 2-3 баробар юқори қўшилган

ҳам шунга аниқланади. Яъни "инновация" сўзи латинча "novatio" сўзидан олинган бўлиб, "янгилиниш" (ёки "ўзгариш") деган маънони билдиради. "in" кўшимчаси эса латинчадан "йўналишида" дея таржима



Экспертлар минтақалар кесимида 3 тадан мамлакатни "2022 йилда инновациялар бўйича глобал этиқлар" сифатида алоҳида қайд этади. Ўзбекистон илк бор шундай эътироф этилган мамлакатлар сафидан ўрин олди. Яъни Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё



ҲЕЧ БИР ЎЗГАРИШ БЕИЗ КЕТМАЙДИ



Хусан МАМЕДОВ, иқтисодийёт фанлари доктори, профессор

қиймат яратадиган инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ўзлаштириш, жумладан, умумий қиймати 165,9 миллиард сўмлик жами 195 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган.

Мана шу режаларнинг ўзиёқ мамлакатни инновацион ривожлантиришга қаратилаётган эътибор нечоғлиқ устувор аҳамият касб этишини аниқлатади. Мухим, бу борадаги ишлар изчиллик касб этаётди. Битта мисол. Президентимиз жорий йил апрель ойида Сирдарёга ташрифи чоғида вилоятни sanoat, тадбиркорлик, қишлоқ ҳўжалиги, таълим ва тиббиёт бўйича "илғор инновациялар ҳудуди"га айлантириш зарурлигини айтди. Фаоллар билан учрашувда инновацион ҳудудда ҳўким, вилоят, туман раҳбарлари аҳоли ва тадбиркорларга шароит яратиш бўйича ҳар қуни янгиликка интилиши, дунёқараш ва ёндашувларни ўзгариши кераклигини таъкидлади.

Чиндан ҳам, бугун ҳар бир жабҳада янгилик, изиланиш бирлашчи ўринда туради. Буларсиз тараққиётни тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, бу атаманинг маъноси

қилинади. Агар бу яхлит "innovatio" кўринишида таржима қилинса, "ўзгаришлар йўналишида" деб изоҳлаш мумкин. Шу жиҳатдан, инновация, илғор ғоялар ҳар бир тармоқ зарурати, десак муболаға бўлмайди, назаримизда.

Сийсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа ислохотлар самараси турли курсаткичлар орқали тузиладиган рейтинглар билан баҳоланади. Хусусан, инновацион ривожланиш даражаси Глобал инновацион индекс (ГИИ) билан ўлчанади. Мазкур ташкилот томонидан 131 давлатнинг инновацион даражаси 80 дан ортиқ курсаткич бўйича баҳолаб борилди.

Мамлакатларнинг инновацион имкониятлари ва ушбу соҳадаги фаолияти йиллик рейтинглари Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (БИМТ), Франциянинг INSEAD халқаро бизнес мактаби ҳамда Корнелл университети томонидан ишлаб чиқилган баҳолаш мезонлари асосида эълон қилинади.

Глобал инновацион индекс бир неча кичик индекслар, уларнинг ҳар бири эса яна тоифаларга бўлинади. Мазкур субиндексларни ўрганиш, таҳлил қилиш орқали мамлакат инновацион ривожланишида қандай жиҳатларга аҳамият бериши



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

82-ўринни эгаллади. Эътиборли жиҳати, мазкур рейтингда 2015 йилдагига нисбатан 40 поғона кўтарилиш қайд этилди.

минтақасида Ҳиндистон ва Эрондан кейин инновациялар бўйича Top-3 давлатдан бири бўлди.

Ўзбекистоннинг индексдаги ўрни яхшилланиши одамлар ҳаётига қандай таъсир кўрсатади? Кўпчиликини шу савол қизиқтириши мумкин. Ушбу саволга, аввало, унинг курсаткичлари иқтисодиётнинг деярли барча жабҳаларини қамраб олганда, дея жавоб берса бўлади. Яъни рейтингда тиббиёт, таълим, институционал ривожланиш, қишлоқ ҳўжалиги, sanoat, энергетика, банк-молия ва қуб соҳалардаги ҳар бир ўзгариш ва унинг натижалари инobatта олинади.

Мамлакат иқтисодиёти, ижтимоий ҳаётида қанчалик ижобий ўзгаришлар бўлса,

одамлар ҳаёти ҳам шунчалик яхшилланиб бораверади. Рейтингда юқори курсаткичларга эришиш эса мамлакатнинг халқаро доирадаги бўйўи ва нуфузи учун жуда зарур. Оддий қилиб айтганда, ҳеч бир ўзгариш беиз кетмайди, албатта, одамлар ҳаётида аксини топади.

Яна бир жиҳати, Глобал инновацион индекс курсаткичлари иқтисодиётнинг қучли ва заиф томонларини аниқлаш имконини ҳам беради. Шу бос, унинг индикаторлари бўйича эгаллаган ўринимиздан ҳамда жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг асосий йўналишларини белгилаб олишимиз, тегишли чоралар кўришимиз керак. Индекс бўйича ҳар бир соҳанинг ривож, шўбҳасиз, халқ манфаатига хизмат қилади.

Кўлаб-қувватловчи ҳўжатлар кўп

Сўнги йилларда илмий-инновацион фаолиятни ҳар томонлама кўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш, мамлакатимизнинг инновацион салоҳиятини янада тақомиллаштиришнинг самарали механизми ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, тегишли ҳўжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, "Рақамли Ўзбекистон-2030" стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси каби ҳўжатлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида"ги, "Инновацион фаолият тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Бу ҳўжатларнинг амалиётга жорий қилиниши, табиийки, юртимизда инновацион экотизимнинг тегишли элементлари тўлиқ шаклланиши ва илм-фанга асосланган янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватлари ҳамда юқори даромадли иш ўринлари яратиш бўйича дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Стратегиядан қўтилаётган натижалар ҳам салмоқли. Жумладан, у орқали ешларда яратувчанлик, инновацион тадбиркорлик ва рационализаторлик қобилиятини шакллантириш, соҳада мутахассисларни кўпайтириш, халқаро майдонда мамлакатнинг илмий салоҳиятини оширишга йўналтирилган, бозор талабларига мослашувчан миллий инновацион инфратузилмни шакллантириш, олий таълим муассасаларида тадбиркорлик муҳитини яратиш ва ихтисослаштирилган "спин-офф" компаниялар ташкил этиш, миллий иқтисодиётга инновацион маҳсулот ва ечимларни жорий қилишнинг замонавий "занжири" ва ягона тизимини яратиш орқали жозибдорлигини ошириш каби кўлаб вазифалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Маълумотларга кўра, жорий йилнинг олти ойида мамлакатимиз IT Park резидентлари томонидан 145 миллион долларликдан ортиқ экспорт амалиётлари бажарилган. Бу борадаги курсаткич йил сайин яхшилланиб, Ўзбекистонни IT хабга айлантириш бўйича узоқни кўлаб қўйилган мақсад сари дадил қадам қўйлаётганини аниқлатади. Экспертлар фикрича, юртимизда яратилган шароитлар сақлаб қолинса ва ишлар тизимли равишда ривожланишда давом этса, 2030 йилга бориб, бир йиллик экспортни 5 миллиард долларга чиқариш имконияти тўлиқ яратилади. Бинобарин, инновацион иқтисодиёт мана шундай юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқаришга таянади.

Аслида, инновацион ривожланиш тушунчаси бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. У илк бор XIX аср маданиятшунослари томонидан қўлланилган. Турли халқлар маданиятларининг бир-бирига таъсири натижаси сифатида пайдо бўлган ўзгаришлар янгилик, яъни инновация, деб талқин қилинган. XX аср бошларидан эса ушбу ибора иқтисодчилар лексикасига кириб келди. Бунда олимлар ва мутахассислар инновацияларни айнан иқтисодиётда вақти-вақти билан рўй берадиган инқиридан чиқишининг муҳим воситаси сифатида ўргана бошлади. Уни амалга ошириш сийсати назариясини тадқиқ этиш XX асрнинг 70-80-йилларидан бошлаб қўлайди. Лекин инновация қайси соҳада қайси шаклда қўлланилишидан қатъи назар, бир мақсадда — ривожланишга хизмат қилиб келмоқда. Инновация мамлакатларнинг бойлик ва иқтисодиий ўсиш, одамлар турмушини яхшилаш манбаи бўлиб келмоқда. Янгилик эса тараққиёт белгисидир.

Мақола аввалда келтирганимиз — Ўзбекистоннинг 2030 йилга қадар инновацион ривожланган 50 мамлакат қаторига кириш масаласи ҳозирги амалга оширилаётган ишлар мисолида янада аниқ ва аҳамиятли бўлиб бормоқда.

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН, ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН!

КЕЧАГИГА ЎХШАМАС...

Фарҳод НЕЪМАТОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Кечаги Жиззах билан бугунгиси ўртасида қатта фарқ бор. Вилоятнинг sanoat кириб бормаган ҳудуди қолмади ҳисоб. Тез сурьатларда ўз брендларига эга бўлаётган вилоятда 2016 йилда ялли ҳудудий маҳсулот ҳажми 7,8 триллион сўмни ташкил қилган бўлса, ўтган йили 27,1 триллион сўмга етди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2016 йилдан буюн 5,5 баробар, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ҳажми, 3,3 баробар, қурилиш ишлари 3,7, хизмат кўрсатиш соҳаси эса 3,6 баробар ошди. 2026 йилгача тўрт мингдан зиёд ўрта ва кичик инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 120 мингта янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

Бунинг учун машинасозлик, электротехника, энергетика, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, тўқимачилик, чарм-пойабзал каби соҳалардаги sanoat лойиҳаларини ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоят sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича салоҳиятли ҳудуд. Шунинг учун сўнги йилларда янги sanoat тармоқлари вужудга келди. Цемент ва базальтдан қурилиш материалларини энг замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқариш илк бор шу ҳудудда бошланди. Кейинги беш йилликда вилоятда 310 та янги лойиҳа амалга оширилди.

Фориш, Бахмал, Зафаробод ва Янгиобод туманларида 56 та қан элаштирилиб, ихтисослаштирилган кластерлар ташкил этиш белгиланган. Биргина Фориш туманида базальт тош чўқур қайта ишланиб, композит кўвер, минерал плита, арматура, сунъий тола, газетка каби маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган технопарк ташкил этилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ердаги лойиҳалар сони 13 тага етади.

Йили саккизта истиқболли лойиҳа ишга тушириш натижасида 1174 та янги иш ўрни яратилган бўлса, озиқ-овқат sanoati тизимига учта янги лойиҳа ишга туширилди ва 350 киши доимий иш билан таъминланди.

— Бугунги кунда вилоятда жами 4533 та sanoat қорхонаси мавжуд бўлиб, йириклари 30 та, кичик sanoat қорхоналари 2721 таши ташкил этади. Улар томонидан шу йилнинг ярим йили яқини бўйича 8,8 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, — дейди вилоят ҳўкимининг маҳаллий sanoatни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдამчиси Сарвар Абдуллаев. — Бундан ташқари, вилоятда 2023-2024 йиллар учун янги шакллантирилган маҳаллийлаштириш дастурига асосан, 52 та қорхонада 86 турдаги импорт ўрини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

Умуман, sanoatни ривожлантириш бўйича яратилган имкониятлар натижасида жорий йилга келиб, маҳаллийлаштириш дастури қорхоналари сони 2017 йилдагига нисбатан саккиз қарра, лойиҳалар сони 4 та, ишлаб чиқариш ҳажми эса 412 қарра ошди.

Вилоятда маҳаллийлаштириш дастури доирасида сўнги олти йилда 539 турдаги янги маҳсулот, хусусан, электр ўтказгичлар, турли маиший техника буюмлари, 300 турдан зиёд вентил, аксессуар, қуёш иситкичлари, экспортбоп қандолат маҳсулотлари, сэндвич панел кабиларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

2019 йилда Жиззах вилоятда автомобиль sanoati йирик кластери ташкил



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДИНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

этилиши айтилган эди. Ушбу ниятлар бугун ижобат бўлмоқда. Айни пайтда автомобилсозлик соҳада таёёр автомобиль ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришдан тўриб соҳага керакли кадрлар тайёрлашни ҳам ўз ичига оладиган тайёрлов соҳаларини қамраб олувчи йирик кластер ташкили этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Уттан йил охирида "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида ишга тушган "ADM Jizzakh" автомобиль заводи конвейеридан яқинда ўн мингчига KIA автомобилчиси чиқди. 2021 йилда иш бошлаган завод йилгига 25 минг донна автомобиль йиғиш қувватига эга бўлиб, лойиҳанинг биринчи босқич қиймати 12 миллион АҚШ долларидан ошган. Бугунги кунда ушбу завод мультибренд ҳисобланиб, унда 13 турдаги KIA, Renault, Chery ва Lada автомобиллари йиғилади. Ҳўзир қорхонада 150 нафар яқин малакали мутахассис ишламоқда.

Иккинчи босқичда "Jizzax avtomobil zavodi" томонидан Volkswagen тижорий автомобиллари, учинчи босқичда эса

"Auto Motors Asia" тижорий ва юк автоларини ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Жорий йилнинг 19 май куни муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбалари асосида автомобиллар ишлаб чиқарадиган "BYD Uzbekistan Factory" заводи қурилишига старт берилди. Ишлаб чиқариш майдони 10,6 гектар бўлган мазкур завод "Jizzax Auto" негизида ташкил этилиб, халқаро сифат ва хавфсизлик стандартларига мувофиқ фаолият кўрсатади. У NEV автомобилларини ишлаб чиқариш бўйича илғор технологияларни жорий этиш имконини беради.

— Вилоятда sanoat тармоқлари ривожланиши баробарида экспорт ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Уттан йили 211 миллион долларлик экспорт амалга оширилиб, 2016 йилдагидан 2,5 баробар кўпайган. — дейди вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бўлими бошлиғи Маъруф Маликов. — Шу даврда 35 турдаги маҳсулот экспорт амалга оширилди ва 12 турдаги янги маҳсулот экспортга чиқарилди. 2016 йилда 59 та

экспортчи қорхона мавжуд бўлган бўлса, 2022 йилда 173 та қорхона маҳсулотларини Россия, Хитой, Туркия, Қозғистон, Тожикистонга сотди. Экспорт географияси 24 давлатдан 42 давлатга, жумладан, Чили, Перу, Шимолий Македония, Сенегал, Молдова каби давлатларга кенгайди.

Айни пайтда вилоят иқтисодиётини қишлоқ ҳўжалиги соҳасининг улуши катта. 2016-2022 йиллар давомида қишлоқ ҳўжалигида 1216 та лойиҳа фойдаланишга топширилиш натижасида 14,8 минг одам ишга бўлди. Айниқса, фойдаланишдан чиққан бўз яйлов ерлар ўзлаштирилиши орқали қишлоқ ҳўжалиги экин майдонлари кенгайиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини янада кўпайтириш имконияти яратилди. Сўнги уч йилда 8283 гектар сувли ер, 49 506 гектар лалми майдон деҳқончилик учун ўзлаштирилди ва аҳоли фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Фермер, кластер ва олимлар ҳамкорлиги, соҳага илмий-инновацион ёндашиш натижасида рентабеллиги паст ерлардан юқори ҳосил олиш мумкинлиги амалда ўз исботини топмоқда. Пахта ҳосилдорлиги юқорилади. Татбиқ этилаётган илғор замонавий технологиялар самарасида галлччиликда ҳам юқори марралар забт этилмоқда. Бундан етти йил олдин сувли ерларда галла ҳосилдорлиги ўртача 32,4 центнер эди. Бугунга келиб, бу курсаткич 73,7 центнерга етди. Ҳатто жорий йилда гектаридан 100 центнердан зиёд ҳосил олган фермер ҳўжаликлари бор.

Вилоятдаги ер майдонлари пахта ва галладан қисқартирилиб, деҳқон ҳўжаликлари ташкил қилинди. Бунинг натижасида 47 920 га иш ўрни яратилди. Жорий йилда 4460 гектар ер аукцион орқали сотилди, етти мингга яқин деҳқон ҳўжалиги ташкил қилинди ва уч мингга яқин иш ўрни пайдо бўлди.

Дала четларига тут қўчатлари, мевали дарактлар, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар экилди. Фермер ҳўжаликлариди дала шийпонлари ташкил этилиб, парранда ва асалари боқиш йўлга қўйилди.

Жаҳон банки ҳулосасига кўра, 2050 йилга бориб, Сирдарёнинг сув ресурслари 5 фоиз, Амударёники 15 фоизгача камайиши башорат қилинмоқда. Бу, ўз навбатида, қишлоқ ҳўжалигида сув тежовчи технологиялардан самарали фойдаланиш ва кўламини кенгайтиришни тақозо этади. Вилоят фермер ҳўжаликлари томонидан 2016-2022 йиллар майдонида 75,3 минг гектар майдонда томчилатиб сўғориш технологияси жорий этилиб, 2019 йилда 11,2 миллион куб метр сув тежалган бўлса, 2023 йилга келиб, 28,9 миллион куб метр сув тежалишига эришилди.

Иқтисодий юқалишлар, ўз навбатида, шаҳар ва қишлоқларнинг обод қиёфасида, аҳолининг фаровон турмушида яққол кўзга ташланмоқда. Мавжуд 308 та қишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини инфратузилмасини яхшилаш мақсадида тасдиқланган дастурлар доирасида сўнги олти йилда жами 6 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Натижада нафақат Жиззах шаҳри, балки туманлар маркази ва маҳаллалар ҳам замонавий, обод, кўркам манзилларга айланмоқда.

Вилоят аҳолиси саломатлигини сақлаш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини тарбия этиш, янги турдаги ва юқори технологияли тиббий хизматларни йўлга қўйиш борасида ҳам ибратли ишлар қилинмоқда. Тиббиёт муассасалари кўпайиб, ўринлар сони ошди. Вилоятнинг 97 та маҳалласида янги поликлиникалар очилди. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидан 8 тасининг вилоят филиаллари ташкил этилди. Хусусан, 2 та шундай марказ учун янги бинолар қурилиб, дунё стандартларига жавоб берадиган сўнги румуддаги замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди.

Мазкур филиалларда энг мураккаб турдаги жаррохлик амалиётлари ҳам ўтказилмоқда. Утган йили вилоят марказида икки марта буйрак кўчириш жаррохлик амалиёти бажарилган бўлса, жорий йил Зомин туманида ҳам шундай операция муваффақиятли бажарилди. Ҳолбуки, олдларни бундай мураккаб жаррохлик амалиётларини ҳатто Тошкентда ҳам ўтказиш имконини эди.

Хуллас, вилоятда қайси соҳани қараманг, ислохотларнинг ижобий таъсири, натижадорлигини, аҳолининг ҳаётдан розилигини, эртанги кунга қатта ишонч билан яшаётганини сезасиз. Бу эса Жиззах вилояти яқин йилларда янада ривожланган ҳудудга айланишидан дарак беради.

ИЛМ-ФАН

МАСЪУЛИЯТ, АНИҚЛИК ВА ТАРТИБГА ЎРГАТАДИГАН ФАН

НАФАҚАТ МАСАЛАЛАР ЕЧИШ, БАЛКИ ҲАЁТИЙ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ҲАМ ҚЎЛ КЕЛАДИ

Саъдулла ШАРИПОВ, ЎзФА Математика институти катта илмий ходими, институт ҳузуридаги ёш олимлар кенгаши раиси



Дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб бораётган янги Ўзбекистонда илм-фанни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Математика, физика, кимё, биология, геология каби йўналишларда фундаментал, амалий тадқиқотлар фаоллашиб, олимларга барча шарт-шароит яратилаётгани юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида илм-фан, таълим тизимининг ўрни ниҳоятда бекиши эканини аниқлади.

математикаси, тиббий-биологик информатика бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориляпти.

Илм-фанни ривожлантириш, ҳаётга татбиқ этиш ва жамият тараққиётига хизмат қилишида Фанлар академияси асосий аҳамият касб этади. Бундан 7 йил илгари академия фаолияти су-сайиб, тармоқлари бўлган илмий-тадқиқот институтларидаги илмий ишлан-малар ишлаб чиқаришга кам татбиқ қилинадиган бўлиб қолганди. Кейинча-лик юртимизда бу соҳага алоҳида эътибор берилди. Жумладан, математика фани ва таълимини ривожлантиришга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳа ривожига янги даврни бошлаб берди. Чет элнинг илгор илмий марказлари-да фаолият юритаётган ватандош ма-тематик олимлар юртимизга таклиф қилинди. Уларнинг илмий тадқиқотлар қилиши учун зарур шарт-шароит яра-тилди. Халққаро фан олимпиадалари-да ғолиб бўлган ёшлар ва уларнинг мураббийлари меҳнатини рағбатлан-тириш тизими жорий этилди. Олий

Бу борада, айниқса, математика фани ва таълимига қаратилган эътибор математикаларга улкан масъу-лияни юклайди. Математика кўпчилик тасавурида жуда қийин фан. Лекин унинг кундалик ҳаётимизда учрайдиган кўп-кўп масалаларга татбиқ ва бу масалалар ечими тахлили математика фанини қўллаш доираси чексиз экани-ни кўрсатади.

Математик масалаларни тўғри ечиш учун концентрация, масъулият, аниқлик ва тартиб керак. Ушбу инстинктлар-нинг кўп ишлатилиши уларнинг мустақ-камлашига олиб келади. Бу эса нафақат масалалар ечиш, балки ҳаётий муаммо-ларни ҳал қилишда ҳам жуда қўл кела-ди. Шиддат билан ўзгараётган ҳозирги замонда ноодатий фикрлаш қобилияти ва стратегик тахлил қила оладиган кадр-ларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Бундай кўникмаларни эса айнан математика фани шакллантиради.

Фанлар академиясининг В.И.Рома-новский номидаги Математика инсти-тути математика фани ва таълимини ривожлантиришга, юқори малакали кадрлар тайёрлашга сезиларли ҳисса қўшиши ва математик тадқиқотлари жа-ҳон даражасида эътироф этилган мар-казлардан бирига айланган. Институ-тининг энг катта ютуғи сифатида дунё математика ҳамжамияти томонидан тан олинган алгебра ва функционал тахлил, дифференциал тенглалар, эҳтимол-лар назарияси ва математик статистика илмий мактаблари яратилганини эъти-роф этиш мумкин. Бу мактабларни бу-гун академиклар, фаннинг етув намоян-далари бошқариб келмоқда.

Ҳозир институтда замонавий ма-тематиканинг долзарб йўналишлари бўлган алгебра ва функционал тахлил, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, динамика системалар, диф-ференциал тенглалар, ҳисоблаш



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЎЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

таълим ва илмий тадқиқот муассасари учун интеграциясини таъминлаш учун Талабалар шаҳарчасида Матема-тика институтининг замонавий биноси барпо этилди. Соҳадаги фундаментал тадқиқотларни молиялаштириш ҳажми уч баробар оширилди. Бюджет маб-лағлари ҳисобидан суперкомпьютер, замонавий техника ва усуналар харид қилинди. Илмий даражали кадрлар тай-ёрлашнинг бирламчи босқичи сифатида стажёр-тадқиқотлик институти жорий этилди. Математика фани ва таълими-ни ривожлантириши кўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил қилинди.

Жамғарма маблағлари ҳисобидан математика йўналишида таълим олаёт-ган талабалар ва тадқиқотчилар учун академик Т.А.Саримсов номидаги стипендия таъсис қилинди. Шунингдек, институтда математика таълими бўйича ўқув-услубий материалларни мувофиқ-лаштириш лабораторияси ташкил қи-линди. Давлат таълим муассасаларида математика фани бўйича фойдалани-ладиган дарслик ва ўқув қўлланмалари



“ Ҳозир институтда замонавий математиканинг долзарб йўналишлари бўлган алгебра ва функционал тахлил, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, динамика системалар, дифференциал тенглалар, ҳисоблаш математикаси, тиббий-биологик информатика бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориляпти.

мажбурий тартибда лаборатория му-тахассислари эксперт ҳулосаси бера-ди. Шу билан бирга, иқтидорли ёшлар орасидан малакали кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оширишни инobatга олиб, 2020 йил 1 ноябрга қадар ҳар бир туман (шаҳар)да математика фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослашти-рилган мактаблар босқичма-босқич ташкил этилиши белгиланди.

2020 йилда Математика институти-нинг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Хоразм вилоятларидаги ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Улар вилоятлардаги математик олимлар ва ёш тадқиқотчи-ларнинг илм-фан билан узлуксиз шу-ғулланиши таъминлашни назарда тутди. Ҳудудий бўлинмаларда 22 на-фар фан доктори, 22 нафар фан номзоди ва физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори фаолият юритмоқда. Айнан уша йили институти ҳузурида физика-математика фанлари бўйича илмий даража берувчи илмий кенгаш ташкил этилди.

Институт 2021 йилдаги илмий ва ин-новация натижалари билан миллий рейтингда етакчи илмий ташкилотлар рўйхатидан жой олди. Ўзгирта вазирилик ва идора тасарруфидида 105 та илмий ташкилотнинг илмий-инновацион фао-лиятига оид 75 кўрсаткичдан иборат расмий маълумотлар 27 йўналиш бўй-ича тахлил қилинди. Математика фа-нига қаратилган эътибор самараси ўлароқ, институт ходимларининг илмий тадқиқоти 5 марта давлат мукофотига

сазовор бўлган. Институтнинг 12 нафар таниқли олими Фанлар академияси ҳа-қиқий аъзолигига, 5 нафари эса Жаҳон фанлар академияси (TWAS) аъзолигига сайланган. Ёш олимларимиздан 6 на-фари TWAS ташкилотининг ёш олим-лар бўлими танловларида ғолиб чиққан.

Институт жамоаси кўпгина эъти-рофга эришган ютуқ ва марраларга эришди. 2017 йили профессор Ўткир Розиков Springer-Nature нашриёти-нинг “Springer Nature top Author” сертифи-кати билан тақдирланди. 2017 йилда академик Шавкат Аюпов, Каримберган Қудайбергенов, Баҳром Оморов ва Ўткир Розиков фан-техника соҳасида дав-лат мукофотига лойиқ топилди. “Scopus Award-2019” танловидида Шавкат Аюпов “Top researcher in Natural sciences” (“Та-биий фанлар бўйича йил тадқиқотчи-си”) деб эътироф этилди. 2020 йилда

профессор Ўткир Розиков Исрол ҳам-корлик ташкилотининг “Энг яхши илмий мақола” номинацияси бўйича халққаро мукофотга сазовор бўлди. 2021 йили профессорлар Ўткир Розиков ва Фаррух Мухамедов Elsevier нашриёти ва Стенд-форд университети томонидан дунё-нинг етакчи олимлари рўйхатига кири-тилди. 2022 йил Математика институти профессори Равшан Ашуров Springer-Nature нашриёти журналларида илмий ишлари энг кўп чоп этилган ўзбек олим-ларининг етакчи бешталиги рўйхатидан жой олди.

Математика институти директори, академик Шавкат Аюпов “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан мукофотлан-ди. Институт иқтидорли ёш олимлари ҳам илмий тадқиқот фаолияти самарадорлиги бўйича давлат мукофотлари ва стипендияларга лойиқ кўрилди. Жумладан, 2020 йилда институт ёш олим, профессор Аброс Худойбер-диев “Шухрат” медали билан тақдир-ланди. 2019 ўқув йилида таянч док-торант Жасурбек Каримов, 2022 ўқув йилида Собиржон Шоймардонов, 2023 ўқув йилида Зафар Бохоннов Президент стипендиати бўлди. Таянч докторант Шомурод Шопўлатов “Мард ўғлон” дав-лат мукофоти билан тақдирланди. Бун-дай мукофотлар илмий фаолият билан шуғулланидиган ёшларни рағбатланти-рувчи, уларни янги марралар сари ун-довчи омилга айланган.

Бугун барча соҳалар қатори илм-фанда ҳам халққаро ҳамкорликка ўсиш-га эришиб бўлмаслиги барчага аён.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

“РУЛНИ БОШҚАРГАНИМДА ПЕДАЛГА ОЁФИМ ЕТМАСДИ”

Оддий деҳқон оиласида камолга етган ёш фермер Гулираъно Холиқова ота-онасининг этагидан тутиб, тупроқли далаларда ялангоёқ чопганида жамалак сочли қизалоқ эди. Болаликдан яқинларига елкадош, мол-қўй боқиб, оиласи корига ярашга ҳаракат қилган Гулираъно ўз тақдирини мана шу илон изли сўқмоқлар, кенг пайкаллар билан боғлаб, кўпнинг эътиборига тушди, иззат-ҳурмат топди. Ерни шудгорлаш, экишга тайёрлаш, яғна, чопиқ, чечанка, пахта териш каби мавсумий юмушлар ёш фермерни ҳар жиҳатдан чиниктирди, тажрибасини оширди.

Унумдорлиги паст, шўрхоқ ерларда деҳқончилик қилишнинг ўзи бўлмайди. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхши-лаш, ҳосилдорлигини ошириш бораси-да тиним билмади, изланди, имконият қидирди. Эрта тонгда дала кезди, экин-лар ҳолатини назорат қилиб, ишчилар билан баҳамжиҳат суҳбатлашиб, кези келганда техникани бошқарди, қўлига кетмон олиб, кўп қатори сув ёқалади.

— Дадам узоқ йиллар техника билан тиллашганлардан”. Шу боис, техника бошқаришга, таъмирлашга қи-зиқман, — дейди Гулираъно дала че-тидаги турфа техникаларга ишора қи-либ. — Трактор рулини бошқарган илк кезларимда, оёғим механизм педали-ни босишга етмасди. Лекин астойдил ҳаракат қилганим, билмаганимни сўра-б ўрганганим. Деҳқончиликнинг ол-тин қондаси бор. Оби-тобида қилинган ишнинг баракаси мўл бўлади. Мавсум

палласида ўзим рулга ўтириб, ғўза қа-тор ораларига ишлов бераман.

Айтишларича, илгари бу ерлардан нари борса 20-25 центнердан пахта те-риб олинган. Ғаллачилик ҳам оқсоқ соҳа-лардан бўлган. Манфаатдорлик йўқлиги боис, ишчи-хизматчилар кўнимсиз эди. Эндиликда бу ердаги ҳолат, манзара ўз-гарди. Ўттиздан ортиқ иш ўрни яратилди. Тартиб билан экилган дов-дарахлар, барваж ривожланаётган қўм-қўқ ғўзалар ҳосил мўлликдан дарак бериб турибди. Ҳар бир туп ғўзада 40–50 тағача ҳосил тугунақарини санадиқ.

Фермер ҳўжалиги ўтган йили пахта-дан 50 центнердан, бу йилги ғалладан 90 центнердан ортиқ ҳосил йиғиштириб олди. Шартномадан ортган ғалла фер-мер ҳўжалиғи аъзолари, кам таъмин-ланган оилаларга бўлиб берилди. Нати-жада одамларнинг унга бўлган ишончи орти. Меҳнатидан манфаат топаётган

ишчи-хизматчилар сафи кўпайди, ҳў-жаликнинг иқтисодий салоҳияти ри-вожланди. Жорий йил ғаллачиликдан кўрилган ялпи даромад салмоғи 400 миллион сўмдан ошди. 31 гектар пахта майдонидан 55 центнерга етказиб ҳо-сил териб олиш кўзлаб турилибди. Гули-раъно ўтган қишлоқ ҳўжалиғи йили яқун-лари доирасида “Илгор фермер” кўкрак нишонин билан тақдирланди.

— Опам шифокор, уйимдагилар мени ҳам қиз болага ҳос касб-ҳунар танлашим кераклигини айтиб, фермер-лик ишимга бир оз қаршилиқ билдирган. Иш оғир, вазифа юки, масъулият катта-лиғи, қийналиб қолишимни кўп тақрор-лашган. Аммо мен аҳдидан қайтма-ганман, — дейди фермер сўзини давом эттириб. — Биз жамиятнинг энг илгор қишларига айландик. Президентимиз таъбири билан айтганда, қишлоқ ҳўжа-лиғига илм олиб кириш, аграр соҳада кўшилган қиймати занжирини яратиш йўлида меҳнат қиялғимиз, изланғимиз. Пахта ва ғаллачилик кластерлари ҳар жабҳада қўмақ бермоқда.

Ҳали ўттизга ҳам қирмаган, Андижон қишлоқ ҳўжалиғи ва агротехнология-лар институти магистранти Гулираъно пахта етиштириш агротехникаси йў-налишида илмий изланишлар олиб бормоқда. Яъни экинларни кимёвий воситалар билан эмас, балки орга-ник ўғитлар ёрдамида етиштириш, қўл меҳнатини қамайтиришга алоҳида



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЎЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

эътибор қаратапти. Бу усул иқтисодий самарадорлиги билан ажралиб туради. Масалан, бир гектар ерда пахта етиш-тириш учун ўрта ҳисобда 1000–1200 килограмм кимёвий ўғит сарфланади. Бу қарий 7–8 миллион сўм харажат дегани. Органик усулда эса бу миқдор 7–8 ҳиссага камаяди. Энг муҳими, экин майдонлари унумдорлиги йилдан-йил-га ортиб боради. Табиий воситалар ёрдамида етиштирилган экологик тоза ҳосилнинг салмоғи, сифати ҳам юқори бўлгани боис, харидоригр.

— Бугунги фермерни бундан беш-олти йил аввалги фермер билан қиё-слаб бўлмайди, — дейди Йўлчибой ака Холиқов. — Авваллари сутини ичиб

турган уйимиздаги сигиримизни со-тиб, белгиланган режани бажаришга мажбур бўлганмиз. Мажлисбозлик, юқоридан келаётган буйруқлар, ко-миссиялар тинкамизни қуритган. Жон ҳовулаб қўн ўтказардик. Эндиликда ҳамма нарса ўзгарди. Қўзим қўлимдан ишни олганидан буён фермер ҳўжали-гимиз янада ривожланиб, иқтисодий самарадорликка эришяпти. Чунки қиш-лоқ ҳўжалиғи ишларига ҳам илм асо-сида ёндашиляпти. Ўғлим йўқлигидан ўқинмайман. Унта ўғилнинг ишини қиялпти қизим. Яқинда Умра сафари-га бориб келдик. Шинаи уй-жой, тўкин дастурхон — ҳалол меҳнатимиз маҳ-сули.

Гулираъно Холиқова раҳбарлик қилаётган Фарғона вилоятининг Риш-тон туманидаги “Холиқов Йўлчибой” фермер ҳўжалиғида нафақат пахта ва ғаллачилик, балки чорвачилик, асаларчилик, дала четларида бог-дорчилик йўналишларини ташкил этиш борасида ҳам иш олиб борил-моқда. Жорий йилнинг ўзида асалар-чилик, балкичилик йўналишларида қўшимча тармоқлар фаолияти йўлга қўйилди. Истиқболли лойиҳалар дасту-рига қўра, дала четидида ерларни фойдаланишга киритиш орқали, бир гектар ерда узум етиштиришга тарад-дуд қуриляпти.

— У маҳалламиздаги фаол ва фи-дойи, қўли очик, саховатли ёш фермер сифатида ҳам кўпнинг қорига ярапти, — дейди “Қайрағоч” маҳалла фуқаро-лар йиғини раиси Валижон Маҳкамов. — Фермер ташаббуси билан 13 кило-метрдан ортиқ тоза ичимлик сув тар-моғи тортилди, 2 километр ички ариқ-лар тозаланди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилаларга етти тоннадан ортиқ буғдой берди, маҳаллада бўлаётган барча маданий-маърифий тадбирлар, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларида ёш-ларга бош бўлиб келади.

Бир сўз билан айтганда, элда дур ундириб, боғу бўстон яратган, чўла риз-ку рўз улашган ёшлар саъй-ҳаракати билан олис ва чечка худудлар ҳам ободликка ош тутмоқда, янги ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тармоқлари буй кўрсатиб, аҳоли бандлиги таъмин-ланмоқда.

Институтнинг чет элдаги йирик илмий марказлар ва университетлар билан илмий алоқаларидан етув кадрларни тайёрлашда кенг фойдаланилмоқда. Хусусан, дунё рейтингда дастлабки 300 таликка кирган университетларда фалсафа доктори илмий даражасига эга бўлган институт ходимларидан 2 нафарига ОАК томонидан тўғридан-тўғ-ри фан доктори (DSc) илмий даражаси берилди. Шу билан бирга, Бельгиянинг Гент университети ва Математика инсти-тути ҳамкорлиғида қўшма докторлик дастурлари ҳам йўлга қўйилган. Таянч докторант Баҳодир Таштемиров Гент университетидида мазкур дастур бўйи-ча ўқишни яқунлаб, фалсафа доктори диссертациясини муваффақиятли ҳи-моя қилди.

2017-2019 йилларда АҚШлик 29 на-фар талаба талабалар учун халққаро та-дқиқот амалиёти лойиҳаси бўйича инсти-тутида ёзги илмий семестрда қатнашди. Бу талабалар олган илмий натижалари асосида иккинчи Ўзбек-Америка конфе-ренциясида маъруза қилди ва хорижий нуфусли журналларида бир қанча илмий мақолалар чоп этди. Шу нўқтан назар-дан, эришилаётган зафарлар Учинчи Ренессанс пойдевори мустаҳкамланаёт-ганига яна бир далил аслида.

Институтимиз ташаббуси билан АҚШнинг Калифорния университети, Буюк Британиянинг Imperial College London университети, Германиянинг Мюнхен университети, Малайзиянинг MARA технологиялар университети, Бирлашган Араб Амириклари универси-тетини, шунингдек, бошқа бир қанча хорижий таълим даргоҳларида фао-лият юритаётган ватандошлар билан ҳамкорлиқда етакчи профессор-ўқиту-чиларнинг онлайн маҳорат дарслари узлуксиз ўтказиб келинади. Бу эса, ўз навбатида, ёш олимларнинг фанга қи-зиқишини янада оширади.

2018 йили SIMPA тадқиқот макта-бининг “Ноассоциатив алгебралар ва уларнинг татбиқи” мавзусидаги лойи-ҳаси тақдимоти институтида бўлиб ўтди. Бу лойиҳадан қўлланган асосий мақсад юртимиз ва қўшни мамлакат-лардан келган ёш тадқиқотчилар учун ноассоциатив алгебралар бўйича жа-ҳоннинг етакчи математиклари томо-нидан маърузалар ўқиш ва олинган сўнги илмий натижалар бўйича фикр алмаштириш иборат.

Институтимиз ҳузурида ёш олимлар кенгаши тузилган. Унга 40 ёшгача бўл-ган илмий ходимлар, таянч докторант-лар, докторантлар, мустақил ишланувчи-лар аъзо. Бу кенгаш коллегиал жамоат органи бўлиб, институтдаги ёшларни илмий тадқиқот фаолиятига тизимли асосда йўналтириш, мавзудга илмий мак-таблар аънаналарини давом эттириш, янги илмий мактабларни шаклланти-ришга замин яратиш, ёш олимларнинг илмий-ижодий фаолиятини кўллаб-қув-ватлаш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини изчил ривожлантириш, уларнинг мутахассисликлар ҳамда тадқи-қот мавзусларига қизиқишларини кўл-лаб-қувватлашдан иборат.

Ҳозир кенгаш таркибидида 60 дан ортиқ ёш олим бўлиб, улардан 4 нафари фан доктори, 16 нафари фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига эга. Давлати-миз бизга билдирган ишонч ва кенг им-кониятлардан оқилонга фойдаланиб, ол-димизда турган истиқболли режаларни амалга оширишда бир оила бўлиб фи-дакорона меҳнат қиялғимиз. Бугун олим-ларимиз мамлакатимиз илм-фанини янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Бу йўл-да юрт тараққиётига ва дунё илм-фани-га салмоқли ҳисса қўиш учун барча имкониятларимиз мавжуд.

Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири.

Шерзод Қорабоев олган сурат.

ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ ҚАЕРДА БЕРИЛАДИ?

ёхуд миллий маънавиятимизни ривожлантиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни

НУҚТАИ НАЗАР

Шахло АХРОРОВА,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
катта илмий ходими,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори



Таърифлади. Шу ўринда савол туғилади: эртага ўғлимиз "Дада, тулинг, тўрда мен ўтираман!" ёки қизимиз "Она, танишинг,

Энг баланд иморатлар ҳам пойдевордан бошланади. Ҳўш, ватанпарварлик тарбияси-чи? Ҳар бир бола тарбия асосини, энг аввало, оиладан, кейин ижтимоий муҳитдан олади. Лекин барча оила ҳам етарлича тарбия бериш салоҳиятига эгами? Яъни боланинг асосий тарбиячилари — ота-она ҳар доим унинг ёнида бўла оладими? Ота оила боқиши — ишлаши керак. Бугунги аёллар ҳам тинч ўтирмайди — ишлайди, турмуш ўртоғига қўмаклашади ёки уйда бирор ҳунар билан шуғулланади. Бундай ҳолларда болага етарлича вақт ажратиш имкони бўлмайди, албатта.

Бола кўп вақтини энага олдига ёки боғчада, кейин мактабда ўтказишига тўғри келади. Бу — ахлоқий тафаккури шаклланиш вақтида унга энанганинг, боғчанинг, таълим муассасаларининг таъсири катта бўлади, дегани. Демак, жамият ўз аъзоларини тарбиялашда таълим-тарбия муассасаларидан кенг фойдаланиши лозим.

Ўғил-қизларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда таълим тизими оиладан кейинги ўринда, айрим ҳолатларда ундан ҳам устун туради. Президентимиз "Янги Ўзбекистон стратегияси" асарига боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, кейинги таълим босқичларидаги профессор-ўқитувчи ва илмий-ижодий зиялиларни Янги Ўғилнинг даврининг тўрт таянч устуни сифатида бежиз қайд этмади. Бу гап замирида ўқитиш тизиминидаги шарқона ва миллий қадриятга айланган "тарбия асосида таълим бериш" таймлайли асос бўлиб турибди. Таълим-тарбия бир-бири билан узвий боғлиқ, Демак, маърифат ва маънавиятни ҳам бир-бирдан ажратиб бўлмайди. Баъзи юрдошларимизнинг Учинчи Ренессанс пойдеворида асосий устун сифатида фақат маърифатни кўраётгани, умумий ўрта таълимда тарбия дасрлари камлиги, олий таълимда эса ихтисослик фанларининг ўзи билан етук малакали кадр етатириш имконлиги ҳақидаги нуқтаи назари тўғрисида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишдан воз кечиш ёки уларни қисқартириш ташаббуси билан чиқаётгани таълимни тарбиядан ажратишга уринишидир. Ваҳоланки, давлатимиз раҳбари "Миллий маънавиятимизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига синдиришда ижтимоий-гуманитар фанлар тизимининг аҳамияти катта", деб таъкидлади.

Маънавий қашоқлик давлат ва жамиятни заифлантирадиган энг катта куч. Давлат ва жамият заиф бўлган жойда илмий ривожлантириш ҳақида гапириш мушкул. Ривожланган тақдирда ҳам ёшлар бу илми давлат ва жамият манфаатлариغا қарши ишлатмаслигига ҳеч ким кафолат беришмайди. Уларга ватанпарварликдан, миллий ва умуминсоний ахлоқдан, Ватан олдидаги бурддан ким сабоқ беради? Ким уларда миллий ғурур шаклланишига қўмаклашади, уларни миллий ғоя билан қуроллантириш? Таълимни мафкуралаштириш ва миллий ғоя билан қуроллантириш ўртасидаги фарқни билмайдиганлар ҳам ораимизда учраб турибди.

Миллий ғоянинг қадриятлашуви миллий ахлоқни шакллантириш, жамият аъзоларини маънан бойитиш, юксак фазилатлар руҳида тарбиялашга қўмаклашади. Жалопиддин Манғуберди қалбидаги озоликка интилиш туйғуси қадрият даражасига кўтарилмаганида, унга ўт ва шижоат бера оларимиз? Ёки Сохибқирон Амир Темуру даврида элулуси бираштириш, "Куч адолатда" экани миллий ғоя даражасига кўтарилмаганида, у шундай буюк давлат кура олган бўларимиз?

Мутасаддилардан бири талабанинг устозига савол бераётганда хатто ўридан туришни истамаганини эркинлик, деб

бу қувёнгиз, биз фарзанд кутяпмиз!" деса ҳам уларнинг гапини эркинлик, деб қабул қилмаемиз?!

Эркинлик, демократия нима ўзи? Хоҳлаган гапини гапириб, хоҳлаган ишини



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЎЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

қилиш деганими? Афсуски, кўп ёшларда мана шундай тушунча шаклланиб борапти. Шу боис, улар ўридан турмай, студла ўтирганча устозига савол берапти. Усмир ёшдаги қизлар ўқитувчи доскага ўгирилганда тап тортмай деразадан сакраб чиқиб кетяпти. Буни олиқашгандай бўлган ўқувчилар ўқитувчи устидан куляпти. Бизчи, биз нима қилаямиз? Ўқитувчининг бу қизга танбеҳини муҳокама қиламиз, уни ота-оналар олдида уэр сўратамиз, тарбия билан шуғулланганимиз ижтимоий-гуманитар фанларни қисқартиришга қўмаклашамиз. Буна шу фанлар ўқитувчиларининг айримлари таъмагирилиши сабаб қилиб қўришамиз. Бу бургига аччиқ қилиб кўрпа ёқиси эмасми?!

"Ахлоқ фалсафаси" дарсини ўтишга кирган дастлабки куним талабаларга савол бердим: "Нима деб ўйлайсиз, ному-тахассис йўналишдаги талабалар учун ижтимоий-гуманитар фанлар керакими?" Уларнинг аксарияти керак эмас, деб жавоб берди. Улар учун қўшимча фан — қўшимча имтиҳон, қўшимча оралик ва яқиний назорат, дегани. Фанни ўтиб бўлгандан сўнг талабалар ўртасида кичик дебат ўтказдим. Ўртага ташланган савол қуйидагича эди: "Нима деб ўйлайсиз, ному-тахассис йўналишидаги талабалар учун ижтимоий-гуманитар фанлар керак эканими?"

Албатта, улар орасида бир-икки талаба "Мутахассислигимиз учун бу фан керак эмас", деди. Булар кўп дарс қолдирадиган, паст баҳога ўқийдиган, касб этикетига риоя қилмаслик, саволни ўридан турмай беришни эркинлик деб биладиганлар эди. Аммо талабаларнинг 90 фоиздан ортиги бу фанлар, албатта, ўқитилиши лозимлигини эътироф этди. Уларнинг қуйидаги фикри диққатимни тортди: "Биз Фарбда қабул қилинаётган ахлоқсизликлар демократия оқими остида бизга ҳам кучиб ўтиши мумкинлигини ҳозир тасаввуримизга сиғдир олмаймиз. Агар миллий тарбияни йўқотсак, 40-50 йил ўтиб, биз ҳам бу ҳолни фарбагадидай хотиржам қабул қилишимиз мумкин".

Талабалар ҳақ эди. Тарбияга оид фанлар натижасини эҳтимом бир кун, бир ой ёки бир йилда кўрмасмиз, лекин буларни сиқиб чиқарадиган бўлсак, натижани йигирма ё ўттиз йиллардан сўнг талаба айтган даражада кўришимиз даҳшат

ёки кўлини кўксига қўймаса, ўша кунийқ ўқишдан четлатилади. Шунингдек, ҳар бир синфда мамлакат байроғи осилган бўлади. Кўп ҳолларда унга содиқлик қасами қабул қилинади.

Хитойда эса ватанпарварлик мафкура-си нафақат юрти, балки шаҳри, вилояти, оиласи, шунингдек, хитой тилини севиши ва фахрлиниш асосига қўрилган. Ватанпарварлик тарбияси Хитой педагогикасининг асосий вазифаси. Бунда улар Ватан тарихи, миллий байрамлар, миллий қадриятларни ўқитиш, мусиқа дарсида Ватан ҳақидаги қўшиқларни ўргатишни асос қилиб олган. Тарғибот ишларида ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланилади. Аноним изоҳлар ёзиш тақиқланган. Давлат ва фуқаролар ўртасида ҳам, талаба ва ўқитувчилар ўртасидаги ижтимоий алоқалар интернет орқали йўлга қўйилган.

Шу ўринда Япония таълими оид бир факт ёдимга тушади. Япон таълим тизимида биринчидан то олтинчи синфга қадар "ахлоқ томон йўл" дастури асосида дарс ўтиларкан. Бу дарсларда япон болалари фақат ахлоқ, этикет қоидалари, одамлар билан муомалани ўрганади. Жанубий Кореяда ҳам шундай: тарбиявий дарслар билан бирга мусиқа, тасвирий санъат машғулоти ўқитилади. Бу — қалб тарбияси дегани. Уларнинг жамиятида устознинг улуғлигини алоҳида эътибор молик. Эҳтимом, шунинг учун уларда тартиб-интизом қадрият даражасига кўтариладигандир?!

Бугунги глобаллашув ва интеграция кучайиб бораётган даврда маънавий ҳаётимиздаги ўзгаришлар билан боғлиқ хусусиятларга алоҳида аҳамият қаратишимиз зарур. Чунки глобаллашув билан боғлиқ ахборот хуруқлари, турли ғоявий-мафкуравий таҳдидлар айнан миллий ўзлик ва миллий маънавиятга чанг солади. Ёшлар ҳаётига беғона таъсирларнинг адабиёт, санъат, ижтимоий тармоқ орқали оломон маданиятини қириб келаётгани бугун глобал муаммодир.

Аслини олганда, глобаллашувни ижобий ҳодиса, деб баҳолаш мумкин. Шунингдек, инсоният ва жамиятлар тараққий этишари, глобаллашув ҳодисаси муқаррар ва табиий жараён. Аммо ҳар қандай тараққий диалектик тарзда амалга ошади. Унинг бир маромада кўринган динамик ривожланишда ўзига хос қарама-қаршиликлар, ички зиддиятлар намоен бўлади. Хусусан, умумбашарий қадриятларнинг шаклланиши ва тақомиллашуви миллий-маънавий қадриятларнинг емирилшига олиб келиши мумкин. Бирок миллий-маънавий омилларсиз умумбашарий қадриятларнинг яшовчанлиги ҳам камадади. Уларни жорий этишда ҳам ўзига хос муаммолар юзага келади. Бу каби зиддиятлар глобаллашувнинг салбий томонлари билан боғлиқ масалаларни юзага чиқаради.

Ана шу салбий жиҳатлар сирасида халқларнинг асрлар бемаънавия аҳдоқлардан авлодларга ўтиб келаётган миллий урф-одатлари, қадриятлари умумбашарий таълим билан қадриятлар бирашуви таъсири остида йўқолиб кетиш хавфи остида қолаётгани қабилини айтиш мумкин. Бундай таҳдидларга қарши қуролланиш фақат таълимни тарбия асосида бериш орқалигина амалга ошади.

Жамият тараққий этиши учун, биринчидан, таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш лозим. Бунда тарбиянинг асоси бўлиши миллий қадриятларимиздан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, тарбияга оид фанлар ўқитилишининг ўрта махсус ва олий таълимдаги ўзвийлигини йўлга қўйиш керак. Бунда мактабнинг ҳар бир ўқув йилда дастурга, албатта, тарбияга оид фанни киритиш зарур. Масалан, 1-4-синфларда "Одобнома", кейинги йилларда бир-бири тўлдирувчи узвий кетма-кетликда "Ватан туйғуси", "Экологик маданият", "Этикет қоидалари", "Маънавият асослари", "Хуқуқшунослик", "Жамиятшунослик", "Ахлоқшунослик", "Эстетика" каби фанларни ўқитиш лозим, деб ўйлаймиз.

Учинчидан, жамиятда устоз-муаллимларга юксак эҳтиромни шакллантириш чораларини қўриш тизимли давом этиши керак. Ўқитувчи малакасини ошириш, моддий шароитини яхшилаш, рабағлантириш, ҳуқуқ ва шаънини ҳимоя қилиш масалалари ҳам бу чора-тадбирларга киреди.

Туртинчидан, маънавият ва маърифат марказлари ҳамда уларнинг бўлимлари фаолиятини таълим тизими билан уйғунлаштириш лозим. Яъни таълим муассасаларида тарбиявий ишлар бўйича раҳбар ўринбосарлари фаолияти марказларнинг ҳудудий бўлимлари билан бирга мувофиқлаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.
43690 нусxada босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет услуда босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоסי келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК
Бош муҳаррир:
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

E-mail: info@yuzuz.uz Веб-сайт: www.yuzuz.uz (71) 233-47-05

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

Манбаларда айтилишича, каштачиликнинг илк пайдо бўлиши теридан тайёрланган кийимларда боғлам ва чокларнинг юзага келиши билан боғлиқ экан. Миллий хунармандчиликнинг бу тури асрлар давомида ривожланиб, оилаларда вояга етаётган ҳар бир қиз онаси, момосидан бу ҳунарни ўрганиши одат тусини олган эди.

БАРМОҚЛАРДА ЯРАЛАЁТГАН МЎЪЖИЗА

Бирок каштачилик билан боғлиқ бу каби юмушларни турли техника ёрдамида бажариш амалиёти кириб келиши кўп меҳнати орқали бажариладиган айрим ҳунарлар қисман унутилишига сабаб бўлмоқда. Лекин кунни кеча кўҳна Кешда ташкил этилган халқаро каштачилик байрамиди қадимий хунармандчилик қайта жийоланди, десак адашмаймиз.

"Хунарманд" уюшмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳоқимлиги ташаббуси билан Шаҳрисабз шаҳри марказида Президентимизнинг "Аҳолини хунармандчиликка жалб қилиш ва хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Халқаро ироқи каштачилик фестивали ўтказилди.

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ва қўшни Афғонистон, Қирғизистон, Қозғоғистондан келган каштадўз хунармандлар ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Мазкур халқаро тадбир халқимизнинг қадимий тарихи ва маданияти ҳаётини хатомонлама кенг ёритиш, кўп қирралы ўзбек миллий хунармандчилигининг ироқи кўшиги муамлик. Кашта чоклари, тикиш ва услубларнинг турли-туманлигини ноёб намуналарини тарғиб этиш, ушбу йўналишда турли халқлар ўртасида тажриба алмаштириш, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, хунармандчилик аънавалари ва мактабларини сақлаш ҳамда қайта тиклаш мақсадида ташкил этилди.

Мазкур фестивалда илк бор иштирок этилган, — дейди қирғизистонлик Бегойим Жапарова. — Бизда ҳам қадимдан каштачилик яхши ривожланган. Ҳар бир оилада қиз туғилса, оналаримиз қизининг селига кашта тиккан. Уни тикиш жараёнида қиройли гуллар нусхаси туширилиши билан ён қисмига турли халқ мақоллари, ҳижматли сўзларни ҳам айнан кашта ипи билан тикиб қолдирилган. Бугунги тадбирга баъзи намуналардан олиб келдик.

Фестиваль ўз учун ажойиб ўтди. Бир қатор дўстлар орттирдик. Ўзбек каштачилиги билан қандан танишиб, уста-хунармандлар билан ҳамкорлик қилишга келишиб олдик. Шу жараёнда Сохибқиронга бешик бўлган гузал Шаҳрисабзга ҳам зиёрат қилдик. Менга мамлакатингиз жуда ёқди. Келгуси сафар жамоамиз билан бирга алоҳида томоша қилиш учун келишни ниёт қилдик.

Ҳа, халқнинг ҳаёти ва урф-одатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган бу санъат тури қўлигул чеवरлар томонидан асрлар оша янада сайқалланиб бораверади. Энг муҳими, амалий-безак ашотиимизнинг қадимий тури замонавий каштачилик орқали уйғунлашган ҳолда ўз ўрнини, аҳамиятини сақлаб қолади.

Акбар РАҲМОНОВ,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири



УШБУ МАТЕРИАЛНИ ЛОТИН ЎЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳис: Насиб Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқуни — 02:00 Топширилди — 02:50